

МУНИС ХОРАЗМИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИГА ОИД ПАНДНОМАЛАР

М.А.Каландарова

катта ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7337053>

Аннотация. Ушбу мақолада Хива хонлиги давридаги таълим ва тарбияга оид фикрлар, шунингдек ўз замондошларининг Мунис Хоразмий шахси ва ижодига бўлган илк муносабатлар, Муниснинг лирик асарларида илм ва хунарга оид ғоялар ёритиб берилган.

Аннотация. В данной статье описываются идеи образования и воспитания в Хивинском ханстве, а также первое отношение современников к личности и творчеству Муниса Хорезми, идеи науки и искусства в лирических произведениях Муниса.

Annotation. This article describes the ideas of education and upbringing in the Khiva khanate, as well as the first attitudes of his contemporaries to the personality and creativity of Munis Khorezmi, the ideas of science and art in the lyrical works of Munis.

Таянч тушунчалар: таълим, тарбия, тарихий асарлар, адабиёт, ижтимоий-маънавий қарашлар.

Основные понятия: образование, воспитание, исторические труды, литература, общественно-духовные воззрения.

Basic concepts: education, upbringing, historical works, literature, socio-spiritual views.

Хива хонлигидаги таълим ва тарбияга оид айрим фикрлар ҳамда фактлар хонлик тарихига оид Ғарб олимларидан Ж.Хэнвей (1.), Г.Генс (2.), Р.Шекспир [3], А.Вамбери [4], Мишель [5], Ф.Барнаби [6], Ж.Аббот [7], Х.Ландедел [8], Х.Мозер [9], Х.Коллет [10], Э.Захау [11], Ф.Шварц [12], Р.Гинк, К.Комбас [13], Ю.Гольдштейн [14], К.Пандер [15], Мак-Гахан [16], Ю.Брегель [17], М.Олворт [18], С.Беккер [19], Ж.Уилер [20] каби мутахассислар асарларида учрайди.

Барча замонларда ҳам адолатли ва низомлар ҳукмрон жамиятда илм-фан ва маърифат аҳли қадрланиб, зиёлилар ва касб-хунар эгалари эъзозланиб келингани тарихдан маълум. Бугун ҳам давлат ва жамият тараққиёти ёш авлоднинг яхши таълим-тарбияси ва илм-фан чўққиларини эгаллашларига боғлиқлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмади” [21]– деб кўрсатади. Мана шу дастуруламал концепцияга мувофиқ Хива хонлиги қўнғиротлар

сулоласи даври солноманавислари ижоди ўтмишда ҳам маърифатга, таълим-тарбия ишларига катта эътибор берилгани, ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш уларга касб ва илм сирларини ўргатиш ўша даврда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларимиз ижодининг диққат марказида бўлганидан гувоҳлик беради. Давр муҳити мутафаккирлари ўз асарларида таълим-тарбия, илм-фан ва касб-хунарга оид илғор ғояларни илгари суриб, қашшоқлик ва жаҳолат ботқоғидан қутулиш, фаровонликда яшаши учун фарзандларни ёшлиқдан ўқишга, илм ўрганишга, жамиятга муайян касб эгаллашга даъват этишган. Мисол тариқасида ўз асарлари ва ижодида ана шундай маърифий ғояларни илгари сурган мутафаккир олимлардан бири бу XVIII-XIX асрларда Хоразмда яшаб ижод этган Мунис Хоразмий асарларида ўз даври ва ундан кейинги адабий муҳитга, маърифатчилик ҳаракатларига ижобий таъсирини кўрсатди. У ўз ижодий мероси ва шеъриятида халқни қашшоқликдан қутқариш, жаҳолатдан узоқ тутишга ва нодонлар билан ҳамсухбат бўлмасликга чақириб, бунинг ягона йўли сифатида кишиларнинг илм ўрганишга, билимли бўлишга, ёшларнинг таълим олишга даъват этади.

Шермуҳаммад Мунис “Фирдавсу-л-иқбол” муқаддимасидаги маснавийларнинг бирида ўзининг илм ихлосини “гарчи (ўзини ўзи танқид, ўз ютуқларидан қониқмаслик маъносида) разилларга шерик ва жаҳолат аҳлига аралашган бўлса ҳам, илм аҳли оёғи остига бошимни қўйиб, фозиллар этагидан қўлимни тортмадим” мазмунида ёзади:

Арозил ичра гарчи мунҳаритман,

Жаҳолат аҳли бирла мухталитман.

Вале илм аҳлига бошим дурур йўл,

Афозил доманидин олмайин қўл.

Қуйидаги сўзлар эса, назаримизда, Муниснинг тарихнависликдаги бемисл ютуқлари асоси, муаллифнинг ўзидан тилидан берилган баёнидир: “Агар фалаки ғаддор (хоин, сотқин)нинг гуногун (турли-туман)ҳодисоти ҳужум қилса, шеър мушоираси билаким, маҳзунлар аниси ва маъмунлар жаласидур, рафъ (юксалиш)и малолат қилур эрдим ва агар замони нопойдор (ўткинчи, қийматсиз)нинг рангоранг офоти ғулув(ошса) этса, таворих мутолааси билаким, авзои аҳли олам вуқуф(хабардорлик)ига сабаб ва кайфияти сулуки бани Одам иттилоъ (хабар топиш, вокиф бўлиш) иға боисдур, дафъи кулфат қилур эрдим, токим олам диёри идбор(ортга кетиш, иши қайиш) нузул (тушиши)ининг кудуратидин мубарро (холи) ва жаҳон ҳисор (қўрғони)и иқбол вусул (етишиши)ининг масаррат

(шодлик)идин ишратафзо бўлуб, кишваристонлиғ тахти бир подшоҳи гардундаргоҳ қудуми ҳиммати била баланд бўлдиким, саодат гавҳари онинг тожиға зевар бўлмоқ била гаронмоя (қимматбаҳо)дур ва жаҳонбон (ҳукмдорлик)лиғ тожи бир шаҳаншоҳи анжумсипоҳ(катта қўшин) торақ (тож)и давлати била зийнат топтиким, иқбол атласи тахтиға давож(ёпинчиқ) бўлмоқ била соҳиби қийматдур” [21].

Худди шу фикрни Огаҳий “Риёзу-д-давла” асарида қуйидагича ифодалайди: “... Муҳаммад Ризо мироб алмутахаллис би-л-Огаҳий ибн Эрнийезбек... умрим гулистонининг баҳори файзафшони эрди, рўзгор тааллуқоти ибтилосининг сарсари бурудатасари мулоқотидин маҳзунлиқ хазониға табдил ва йигитлик ибтидосининг замони ишраттавъомониким, ҳаётим шабистонининг фурузони эрди., уламои фазойилмаоб ва фузалойи камолотинтисобнинг мажолиси равзатазйин ва маҳофили беҳиштойинлариға ихлос тариқи била ўзумни еткуруб, каломи шаҳдомиз ва сухани ҳаловатангизлари истеъмоъидин ҳаззи вофиру лаззати мутақосир ҳосил қилиб, маъоний иктисобиға бақадри ҳол иштиғол кўргузуб, кўнглум малолати ва ғамим шиддатиға таскин берур эрдим,..”

Бу фикрларни Мунис лирик асарларида ҳам илгари суриб:

Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базм китоб,

Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз – дея ифода этган эди [22,1002-101а- б].

Мунис таълим олиш ва илм ўрганиш ҳар бир кишининг ҳаётдаги энг муҳим қуроли деб билиб, унинг назарида билим олишнинг энг қулай фурсати бу ёшлик давридир.

Албатта, илм олишнинг энг мақбул фурсати бу ёшлиқдир. Муаррихлар тили айтганда, “шабоб айёми” –ёшлик фасли илм хазинасини бир умр саодатли яшаш учун тўплайдиган фурсатдир. Бу тўғрида С.Ҳасанов шундай ёзади; “Илм-хунарда камол топишнинг энг муҳим фурсати “фасли шабоб” – ёшлик давридирким, Мунис илм ўрганишда бу ғанимат фурсатни қўлдан бермасликни таъкидлайди:” [23,100б-101а-б].

Камол касбида, Мунис, шитоб қилки, эрур,

Ҳаёт фурсатиким бедаранг фасли шароб. [24,28-б].

Ёки:

Гоҳи мактаб ичра кириб шодком,

Мадраса сори айлаб хиром,

Қаю ерда аҳбоб базм айласа,

Тараб иртиқобиға азм айласа,

Ўзимни алар ичра солур эрдим,

Кўнгил қонғунча баҳра олур эрдим. [25,235-б].

Мунис халқнинг маърифатли ва саводли бўлиши нафақат жамият ёки инсонларнинг ўзи учун, балки мамлакатнинг келажак истиқболи, тараққиёти айнан илм-фан ривожига боғлиқ деб ҳисоблайди ва ўз асарларида ёшларнинг илм ўрганиши, сифатли таълим-тарбия олишига оид қимматли ғояларни илгари суриб, халқни саводли қилиш, ёшларнинг ўқиш ва ёзишни билишларининг аҳамиятини кўрсатиб беради. Шоирнинг таълимга оид қарашларини кўплаб асарларида учратиш мумкин. Улар ичида илк асарларидан бўлмиш “Саводи таълим” номли рисола сазовор бўлиб, бу асар ўша давр учун ёшларнинг таълим-тарбияси, халқнинг саводли ва илм ўрганишга бўлган қизиқишини кучайтиришда, ўқишни, ёзув ва хуснихатни ўрганишда муҳим услубий манба сифатида аҳамиятга эга бўлган. Зеро, тадқиқотчи олим Ҳ.Ҳасанов таъкидлаганидек, “Мунис ўз даврининг педагог олими сифатида, ... болаларнинг хат-савод чиқаришларини, илм ўрганишларини бир қадар осонлаштириш мақсадида “Саводи таълим” асари(1803)ни яратди.” [27,29-б].

Бу рисола ўқиш, ёзувни тез ва осон ўрганиш, чиройли хат ёзишни ўзлаштириш ва хуснихат масалаларига бағишланган бўлиб, тил, ёзув ва хуснихатнинг жамият ҳаётидаги, айниқса маънавий бойликни келажак авлодга етказишдаги аҳамияти кўрсатиб берилган. Мунис фикрича, агар ёзув, хат бўлмаса кишилик жамиятидаги эришилган муваффақиятлар, маънавий ютуқ ва илмий бойликлар келажак авлодга етказилмаган бўлар эди:

Ҳар сўзки, кўнгулдин ўлди мавжуд,

Хат бўлмаса, бўлғай эрди нобуд..

Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,

Ҳаттиға чекиб улусни ҳар дам [28,29-б].

Мунис ўз асарларида нафақат илм-маърифатли, балки касб-хунар эгалари ва яратувчи меҳнаткаш кишиларга ҳам юксак инсоний фазилатлар сифатида юқори баҳо беради. Инсон илми ва хунари билан буюк бўлиб, жамиятдаги фаовонлик, мамлакат ривожини шуларнинг меҳанти билан боғлиқ деб таъкидлайди. Лекин у яшаган даврда уларнинг ҳам меҳнати ва касби, бойлик ва бадавлат кишилар олдида қадр топмаганидан, жамиятда зиё тарқатувчи маърифатли кишилар хор-зорлик билан яшаётганидан нолийди:

Бу даврон ичрадур баским хунар айб,

Хунар аҳли киби йўқ элда маъюб,

Улуска эйки ғолиблик тиларсен,

Бурунроқ айла ўз нафсингни мағлуб. [29,12-б].

Шу сабабдан ҳам Мунис ўз жамиятидаги инсонларни бахтли ва бахтсизларга ажратиб, бахтсиз кишилар замон тақозоси сабаб эзилган ва хўрланган, азоб-уқубатда яшаётган илм-маърифат аҳли бўлса, бахтли кишилар эса нодон ва жоҳил бой ва амалдорлардир. Шоир айтганидек:

Бу замон ичра азиз эл не ажаб хор бўлуб,

Уламою фузало бўлса сазовори алам. [30,400-б].

Бу билан Мунис ўзи яшаган даврда ижодкор, хунарли ва илм-маърифатли кишиларнинг қанчалик хору-зорликда яшаганлигини, подшо ва амалдорнинг уларга бўлган салбий муносабатини кўрсатишга ҳаракат қилган. Мунис ғазалиётини ўрганган олим Н.Жумаев айтганидек, “Маориф ва маданият намоёндалари билан жаҳолат аҳли қарама-қаршилиги Мунис ғазаллари драматизмининг марказида туради” [30,21-б].

Умуман, шоир ўз асарларида шеърий мисралар орқали гўзаллик, муҳаббат туйғуларини куйлаган бўлса-да, унинг ижодида ёшларнинг таълим олиши ва тўғри тарбияланиши, илм-фанни ўрганиш, жамиятда инсон қадрли ва нуфузи унинг билими ҳамда касб-хунари билан белгиланиши каби маърифий қарашлари муҳим ўринни эгаллаган. Муниснинг бундай ғоялари у яшаган даврда, яъни аксарият халқ саводсиз, таълим олиши ва ўрганиш имкониятлари чекланган, илмли кишилар кам ва маънавий қашшоқлик авж олаётган замонда, катта маърифий аҳамиятга эга эди.

Шундай экан, биз бугунги ёшлар таълим-тарбиясида, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом қилиб вояга етказишда ўтмишда ижод қилган маърифатпарвар олимларимиз меъросидан маънавий қурол сифатида фойдаланишимиз лозим. Айниқса, баркамол инсон тарбиясида, илм-фан чўққиларини ва касб-хунарни эгаллашга интилиш, ёшлар қалбида яхшилик ва эзгулик, Ватанга меҳр қўйиш сифатларини шакллантиришда Мунис каби маърифатпарвар олимлар ғоялари аҳамияти каттадир.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Hunway J. An historical account of British trade over the Caspian Sea: With the authors journal from England through Russia; and Back through Russia, Germany and Holland 2 d ed., revised and corrected. Vol. I-II. – London, 1754.
2. Hilmersen Gr. Nachrichten uber Chiva, Buchara, Chokand und den nordwesten Theil des chinesisches States, gesammelt von dem Prasidenten der asiatischen Grenx-Cjmmision in Orenburg, General-Major Gens, bearbeitet und

mit Fmmerkungen versehen von Gr. Hilmersen. Neudruck der 1839. Osnabruck, 1968 (Beitrage zir Kenntnis dts Russischen Reiches und der angranzenden Lander Asens.

3. Schakesprer R.A. A personal narrative of a Journey from Heart to Ourenbuirg, in the Caspian, in 1840. Blacwood's Magazine, N 320. Vol. LI (1842).

4. Vambery A. Travets in Centraj Asia being accjunt of a journey from Teheran across the turkoman desert on yhe on the eastern of the Caspian to Khiva, Bokhara ayn Samarkand performed in the Year 1863. London, 1864 (Repr. NewYork, 1970). Вамбери Арминий. Путешествие по Средней Азии из Тегерана в Хиву, Бухару и Самарканд. – М., 1867.

5. Michell. A narrative of the Russian military txpedition to Khiva; conducted be prince Alexander Bekovich Cherkasski in 1717. - London, India Office. 1873.

6. Barnaby F. A ride to Khiva: Travers and adventures in Central Asia. 4 th ed. – London–Paris–New York, 1976.

7. Abbot J. Narrative of a Jorney hrom Heart to Khiva, Moscow and St. Peterburg during the Lfte Russian invasion of Khiva: With some account of yhe court of Khiva and the Kingdom of Khaurism. 3 rt el. Vol. I–II. – London, 1884.

8. Landesdell H. Russian Central Asia inelubing Kulja, Bokhara, Khiva and Merv. Vol. 1–2. – London, 1885 (Repr. New York, 1970).

9. Moser H. A travels l'Asie Centrale. Impresions de voyage. – Paris, 1885.

10. Collet H. Contribution rowars the detter Khowledge of the topography, ethnographe, resources and history of the Khanat of Khiva, cjmpiled (for political and military reference) by H.Collet. Cflcutta: Foreing Deparnament Press, 1873. II (Central Fsia. Ed. By C.M. Mag Gregor. Ol. 6. Section 1).

11. Sahnau E. Zur Geschichte und Chronologie von Khwarizm. Theil I–II. – Wien, 1873.

12. Schwarz F. Turkestan, die Wiege der indo-germaischen Volker. Nach funfxehnjahrigen Aufenthalt in Turkestan dargesetellt. Freiburg im Breisgau, 1900.

13. Ging and Combas K. The pears of of UzbekisanL Buxara, Samarkand and Khiva. – Budapest, 1974.

14. Goldenstein Y. Samarkand–Buxara–Chakrisiabz–Khiva. – Paris, 1995.

15. Pander K. Sowietischer Orient. Kunst und kultur, Geschechte und Gegenwart der Volker Mittelfsiens/ – Koln, 1982.

16. Мак-Гахан Януарий Алоизий. Военные действия на Оксусе и падение ХИВЫ.– М., 1875.

17. Bregel Y. Bibliography of Islamic Central Asia. Compiled and edited by Yu-ri Bregel. Indiana University. Part II. Descriptions and Travel; Written Sources for

Central Asian History; Ethnography; Folklore; Folk Entertainments; Physical Anthropology. 1995.

18. Holdeworth M. Turkistan in the nineteenth century: A brief history of the Khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – London, 1959.

19. Becker S. Russias protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865-1924. – Cambridge. MA: Harvard University, 1968.

20. Wheeler G.E. The modern history of Soviet Central Asia. – London-New York, 1964.

21. 2017 йил 9 декабрдаги қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги «Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир» номли маърузасидан. “Халқ сўзи” газетаси 2017 й 4-сон.

22. Мунис. “Мунисул – ушшоқ” (мукаммал девон). ЎзФА ШИ Қўлғезмалар фонди, инв. №940, 1002-101а-варақлар.

23. Мунис. “Мунисул – ушшоқ” (мукаммал девон). ЎзФА ШИ Қўлғезмалар фонди, инв. №940, 100б-101а-варақлар.

24. С.Ҳасанов. «Хоразм мутафаккирлари таълим тарбия тўғрисида» Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1985 йил 28-б.

25. В.А.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1980 йил 235-б.

26. Мунис. “Мунисул – ушшоқ”, 1875. Хива тошбосмаси, 6-бет.

27. С.Ҳасанов. «Хоразм мутафаккирлари таълим тарбия тўғрисида» Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1985 йил 29-б.

28. С.Ҳасанов. «Хоразм мутафаккирлари таълим тарбия тўғрисида» Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1985 йил 29-б.

29. Мунис. Сайланма. Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 12-бет.

30. Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. IV-том. Т.: “Фан”, 1978. 400-бет
Онашриёти, 1980. 21-бет.